O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№




# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2008 йил 27 декабрь, № 251 (4661) Шанба


# ОЗОДЛИК ВА ЭЗГУЛИКНИНГ УЛУҒВОР ЭҲРОМИ

**Хурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи очилганига 28 декабрда уч йил тўлади.**



***Мамлакатимизда улкан бунёдкорлик ва ободончилик ишлари амалга оширилмоқда. Айниқса, азим пойтахтимизнинг кундан-кунга янада яшариб-яшнаб бораётгани, бу ердаги яратувчанлик амалларининг суръати ва кўлами кишини ҳайратга солади. Тошкент шаҳрида олиб борилган бунёдкорлик ҳақида гап кетганда, аввало, Мустақиллик майдони кўз олдимизга келади.***

Истиқлол йилларида Мустақиллик майдони пойтахтимизнинг улкан меъморий ансамблига айланди. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси ва раҳнамолигида бу ерда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари бош майдонимизнинг нафақат манзарасини, айни чоғда мазмун-моҳиятини ҳам-тубдан ўзгартириб юборди.

Мустақиллик майдони ҳар бир ватандошимиз учун азиз ва мўътабар бўлиб, Ўзбекистонимизнинг чинакам тимсолига айлансин. Барчамизнинг истагимиз шуки, Бош майдонимиз асрлар давомида халқимизга хизмат қилиб, элимизнинг, юртимизнинг эзгу интилишларини бутун дунёга намоён этсин, деган эди Юртбошимиз.

(Давоми 2-бетда).



**Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади.**

## КОМИССИЯ ФАОЛИЯТИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

***Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмиталарининг йиғилиши бўлиб ўтди.***

Унда Тошкент вилояти Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиясининг соҳага оид қонунларни қандай ижро этаётганлиги масаласи кўриб чиқилди.

Йиғилишда Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузурида ташкил этилган комиссия томонидан бу йўналишда бир қатор ишлар амалга оширилганлиги эътироф этилди. Бунда давлат идоралари, ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда жамоат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлиги кўл келаётганлиги таъкидланди.

Шунингдек, йиғинда комиссия фаолияти давомида бир қанча камчиликларга ҳам йўл қўйилганлиги айтиб ўтилди. Жумладан, комиссия йиғилишларида ёшларга оид қонунларнинг ижро этилиши ҳақидаги масала кўриб чиқилмаганлиги танқид қилинди. Бундан ташқари, айрим туман комиссиялари ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш борасида таъсирчан фаолият юритмаётганлиги кўрсатиб ўтилди.

## СОҒЛОМ АВЛОД — ВАТАН ҚУДРАТИ

***Шу куни Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида"ги Қонуннинг Тошкент вилоятидаги ижросига бағишланган назорат-таҳлил йиғилиши ўтказилди.***

Йиғилишда вилоятдаги таълим муассасалари, маҳаллалар ва ишлаб чиқариш корхоналарида спорт тўгараклари ташкил этилганлиги, спорт иншоотларини таъмирлаш, янгиларини барпо этиш ишлари яхши йўлга қўйилганлиги алоҳида таъкидланди. Шу билан бирга, мактаб, лицей ва коллеж ўқувчиларининг 169 минг нафари спортнинг 27 тури билан мунтазам шуғулланиб келаётганлиги ҳам қайд этилди.

Йиғинда қонун ижросини таъминлаш борасида йўл қўйилган камчиликларга ҳам эътибор қаратилди. Мисол учун, Оҳангарон, Чиноз ва Тошкент туманлари маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудида спорт майдончаларини ташкил этишга етарлича эътибор берилмаган. Мактабгача таълим муассасаларининг спорт майдончалари эса талаб даражасида эмас. Бундан ташқари, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга оид кўргазмали восита ва буклетлар тайёрланмаган, шунингдек, бу масалага оммавий ахборот воситаларининг эътибори етарлича қаратилмаётир.

Тадбир якунида муҳокама қилинган масалалар юзасидан қўмита қарори ишлаб чиқилди ва тегишли кўрсатмалар берилди.

## МАТБУОТ МАВЗУИДА ДАВРА СУҲБАТИ

***Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси ҳамда Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамкорлигида давра суҳбати ўтказилди.***

Мазкур давра суҳбати "Республика ҳудудий босма ОАВларида фаолият юритаётган ёш журналистларнинг марказий нашрларда малака оширишлари" номли лойиҳа тингловчилари учун ташкил этилди. Унда "Келажак овози" ҳамда Ёшлар ташаббуслари марказининг ҳудудий бўлимлари қошидаги "Келажак пресс" матбуот марказларининг масъул ходимлари иштирок этдилар.

Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзолари лойиҳа тингловчиларига Олий Мажлис Қонунчилик палатасида оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришга доир қабул қилинган қонунлар, жойларда ушбу қонунларнинг ижроси юзасидан ўтказилган назорат-таҳлил натижалари, бу борада йўл қўйилган камчиликлар ва уларни бартараф этиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар хусусида атрофлича гапириб беришди.

**З. ХУДОЙШУКУРОВ.**

**▼ Анжуман**

***Кеча пойтахтимизда Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси томонидан ёшлар форуми ўтказилди.***

## ТАШАББУСКОРЛИК — ЮТУҚЛАР ГАРОВИ

Фуқаролик жамиятини мустаҳкамлашда ёшлар ташкилотлари ўртасида ташаббускорлик ва ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган мазкур тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида фаолият юритаётган нодавлат нотижорат ташкилотлари, "Камолот" ЁИҲ ҳамда сиёсий партияларнинг ёшлар қаноти вакиллари иштирок этишди.

Бугун мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида кенг кўламли ислоҳотлар, демократик янгиланишлар олиб борилаяпти. Хусусан, жорий йил

(Давоми 2-бетда).

***ЎЗБЕКИСТОН — ХИТОЙ:***

## ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН МУСТАҲКАМ АСОС МАВЖУД

***Юртимизда Хитой Халқ Республикаси ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Ли Хуэй бошчилигидаги делегация вакиллари меҳмон бўлди.***

**▼ Биз ва жаҳон**

Хитойлик дипломат Ўзбекистон ва ХХР Ташқи ишлар вазирликлари ўртасидаги сиёсий маслаҳатлашувларнинг навбатдаги босқичида иштирок этди. Ташриф давомида ХХР делегацияси раҳбари «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири билан суҳбатда бўлди.

— Икки томонлама ҳамкорлигимиз тўғрисида гап кетганда, аввало, Хитой билан Ўзбекистон дўст мамлакатлар эканини таъкидлаб ўтиш лозим бўлади. Халқларимиз ўртасидаги муносабатлар тарихи узоқ асрларга бориб тақалади, — деди Ли Хуэй. — Давлатларимиз ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилгандан сўнг алоқаларимиз янгича суръатда ривожлана бошлади. Ўзаро ҳамкорлигимизнинг мустаҳкам асосини мамлакатларимиз раҳбарлари ўртасидаги ниҳоятда самимий ва ўзаро ишонч руҳидаги муносабатлар ташкил этиб, улар алоқаларимиз кўламини ҳар томонлама кенгайтиришга кучли туртки бўлиб хизмат қилмоқда. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Хитойга бир неча бор ташриф буюрган, ўз навбатида, ХХР Раиси Ху Цзиньтао ҳам Ўзбекистонда меҳмон бўлган.

Ҳамкорлигимизнинг ўзига хос жиҳатларидан яна бири шуки, мамлакатларимиз ўртасида ўзаро тушуниш, қизиқиш ва ишонч ҳислари мавжуд. Биз бир-биримизни ҳозирги куннинг кўплаб долзарб масалалари юзасидан қўллаб-қувватлаймиз. Жумладан, мамлакатларимиз айни пайтда ниҳоятда долзарб тус олаётган миллий хавфсизлик, ҳудудий яхлитлик ва суверенитетни таъминлаш масалалари борасида ўхшаш қарашларга эга.

Хитой Ўзбекистон томонидан танланган мустақил тараққиёт йўлини доимо қўллаб-қувватлаган ва юқори баҳолаган. Биз Ўзбекистоннинг бу ёндашувини ҳурмат қиламиз ва қўллаб-қувватлаймиз. Ўз навбатида, Ўзбекистон Хитой учун, айниқса, муҳим аҳамият касб этувчи Тайвань ва Тибет масалалари борасида бизни қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Айни пайтда биз нафақат сиёсий, балки иқтисодий, савдо, тадбиркорлик, маданият, гуманитар алоқалар, таълим ва бошқа соҳалардаги алоқаларимиз ривожланаётганини мамнуният билан кузатмоқдамиз. Халқларимиз бир-бирига нисбатан дўстона

(Давоми 2-бетда).

Қирқиш чизиғи ✂ Қирқиш чизиғи

**Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»**ги 704–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 1, 8-модда) **9-моддасининг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Депутат ўз округи сайловчилари билан, уни депутатликка номзод қилиб кўрсатган сиёсий партия билан алоқа боғлаб туради, Қонунчилик палатасида уларнинг манфаатларини ифода этади. Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар мазкур ҳаракат билан алоқа боғлаб туради ва Қонунчилик палатасида унинг манфаатларини ифода этади».

**13-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 2 декабрда қабул қилинган **«Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини ва Сенати аъзосини чақириб олиш тўғрисида»**ги 708–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 1, 12-модда) қуйидаги мазмундаги **7¹-модда** билан тўлдирилсин:

**«7¹-модда. Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган Қонунчилик палатаси депутатининг чақириб олиниши**

Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган Қонунчилик палатаси депутатини чақириб олиш ушбу Қонуннинг 1-моддасида назарда тутилган асослар бўйича амалга оширилади.

Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган Қонунчилик палатаси депутатини чақириб олиш унинг олий органи томонидан амалга оширилади».

**14-модда.** Ушбу Қонун 2009 йил 1 июлдан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2008 йил 25 декабрь
№ ЎРҚ — 194



Буклаш чизиғи

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

**Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида**

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари
2008 йил

Қирқиш чизиғи

Овозларни санаб чиқиш жараёнида иштирок этаётган сиёсий партиянинг ваколатли вакили участка сайлов комиссиясининг баённомаси билан танишиш ҳуқуқига эга»;

22) қуйидаги мазмундаги **7¹-боб** билан тўлдирилсин:

**«7¹-боб. Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Қонунчилик палатасига депутатларни сайлаш тартиби**

**47¹-модда. Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Қонунчилик палатаси депутатларини сайлаш**

Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Қонунчилик палатасининг ўн беш депутати мазкур ҳаракатнинг олий органи (Конференцияси) томонидан Марказий сайлов комиссияси белгилайдиган муддатларда сайланади.

Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатиш ва уларни сайлаш тартиби Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади.

Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Қонунчилик палатасига депутатлар сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш очиқ ҳамда ошкора амалга оширилади.

**47²-модда. Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Қонунчилик палатаси депутатлари этиб сайланадиган шахсларга қўйиладиган талаблар**

Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Қонунчилик палатаси депутатлари этиб сайланадиган шахсларга ушбу Қонун 2-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларида ҳамда 25-моддасида назарда тутилган талаблар қўйилади.

**47³-модда. Марказий сайлов комиссиясига тақдим этиладиган ҳужжатлар**

Ўзбекистон экологик ҳаракати олий органининг вакили Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Қонунчилик палатасига сайланган депутатлар рўйхатини Марказий сайлов комиссиясига тақдим этади. Рўйхатга қуйидагилар илова қилинади:

Ўзбекистон экологик ҳаракати олий органининг мазкур ҳаракатдан Қонунчилик палатасига депутатлар сайлаш тўғрисидаги қарори;

Ўзбекистон экологик ҳаракати олий органи мажлиси баённомасидан кўчирма, унда Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Қонунчилик палатаси депутати этиб сайланган ҳар



Буклаш чизиғи

бир шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, касби, лавозими (машғулотининг тури), иш ва яшаш жойи кўрсатилади;

сайланган депутатнинг депутат этиб рўйхатга олинган тақдирда бажариб турган ишидан (хизматидан) бўшаш тўғрисидаги аризаси.

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон экологик ҳаракати олий органининг ҳужжатларни тақдим этган вакилига уларнинг қабул қилиб олинган санаси ва вақти кўрсатилган маълумотнома беради.

Марказий сайлов комиссияси тақдим этилган ҳужжатларни етти кунлик муддат ичида текшириб чиқади ва уларнинг ушбу Қонун талабларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради. Марказий сайлов комиссияси рўйхатга олиш учун тақдим этилган ҳужжатларда аниқланган номувофиқликлар ва ушбу Қонун талабларидан четга чиқиш ҳоллари тўғрисида Ўзбекистон экологик ҳаракати олий органининг вакилига белгиланган тартибда маълум қилади.

**47⁴-модда. Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Қонунчилик палатаси депутатларининг такрорий сайлови**

Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Қонунчилик палатаси депутатлигига депутатлар сайлови ўтмаган ёки ҳақиқий эмас деб топилган ҳолларда Ўзбекистон экологик ҳаракатидан депутатларнинг такрорий сайлови ўтказилади.

Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Қонунчилик палатаси депутатларининг такрорий сайловини ўтказиш тартиби Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади.

**47⁵-модда. Бўшаб қолган ўринларга Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ўтказиш**

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Қонунчилик палатасига сайланган айрим депутатларнинг ваколатларини ҳақиқий эмас деб топган тақдирда, шунингдек депутат чақириб олинган ёки бошқа сабабларга кўра депутатлик ваколатлари муддатидан олдин тугатилган ҳолларда янги сайлов ўтказилади»;

23) **48-модда матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Марказий сайлов комиссияси округ сайлов комиссияларидан олинган баённомалар, Ўзбекистон экологик ҳаракати олий органининг тегишли қарори асосида Қонунчилик палатасига сайланган депутатларни рўйхатга олади ва бу ҳақда депутатларни хабардор этади.

# ОЗОДЛИК ВА ЭЗГУЛИКНИНГ УЛУҒВОР ЭҲРОМИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Дарҳақиқат, Ватанимизнинг юраги бўлмиш ушбу муаззам майдон аждодларимиз асрлар мобайнида орзиқиб кутган, бугунги авлодларга насиб этган энг улуғ, энг азиз неъмат — истиқлолимиз рамзидир. Шу боис барчамиз мустақиллик бизга ато этган неъматларнинг нечоғли буюк ва қадрли эканини шу майдон тимсолида ҳам қалбдан ҳис этамиз. Мустақиллик майдонига қадам қўйган ҳар бир юртдошимиз қалбида фахр-ифтихор туйғулари туғён уради. Жозибадор фавворалар, йилнинг тўрт фаслида ҳам яшнаб турувчи турфа дарахт ва майсалар баҳридилингизни очади.

Майдоннинг рамзий дарвозаси ҳисобланган Эзгулик аркаси тепасидан парвозга шайланган турналар, халқимизнинг қалбидек, орзуларидек оппоқ лайлаклар дилларда эзгу туйғулар уйғотади. Арканинг баланд ва мустаҳкам устунлари — мустақил мамлакатимизнинг бақувват таянчлари ифодасидир. Бу остонадан ўтадиган ҳар бир юртдошимизнинг қалби шукроналик, эртанги кунга ишонч туйғулари билан тўлади.

2005 йилнинг 28 декабрида Президентимиз Ислом Каримов Мустақиллик майдонида янги қад ростлаган монумент пойига гулчамбар қўйди. Майдонда истиқлолимизнинг дастлабки кунларида барпо этилган Мустақиллик монументи олдидан фарзандини бағрига босиб турган Бахтиёр она сиймоси жой олди.

Мустақиллик ва эзгулик тушунчаларини бир-биридан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Она сиймоси биз учун азалдан меҳрибонлик, фидойилик, эзгуликнинг ёрқин тимсолига айланган. Юртбошимизнинг таклифига биноан, ўзининг чуқур ва кенг маъно-мазмуни билан барчамиз учун азиз бўлган икки муқаддас қадриятни ўзида мужассамлаштирган ушбу мажмуага ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи — **Мустақиллик ва эзгулик монументи** деб ном берилди.

Мазкур икки қадрият замирида халқимизнинг асрий интилишлари, эзгу орзу-умидлари мужассам. Бугун янги оила қураётган йигит ва қизлар майдондаги Эзгулик аркаси остонасидан ўтиб, мазкур монумент пойига зиёратга келар экан, фарзандини бағрига босиб турган бахтиёр она сиймосида ўзининг беғубор, пок орзуларини кўргандек бўлади.

Умумхалқ байрамлари, тантанали маросимларда ушбу обида пойига гулчамбар қўйиш маросими расмий таомилга кирди. Шунингдек, Ўзбекистонга ташриф буюрадиган хорижий мамлакатларнинг давлат ва ҳукумат раҳбарлари, турли даражадаги делегациялар вакиллари ва бошқа меҳмонлар Монумент пойига гулчамбар қўйиши ҳам анъана тусини олди.

Мана, икки йилдирки, Мустақиллик майдонида пойтахтимиздаги умумтаълим мактаблари ўқувчилари учун Мустақиллик дарси ўтказилмоқда. Бу эзгу амалнинг замирида чуқур маъно мужассам. Фарзандларимиз билимлар оламига илк қадамини, аввало, Ватанни, Истиқлолимиз инъом этган улуғ неъматларни, бугунги саодатли кунларни англашдан, ардоқлашдан бошлайди. Навқирон авлод вакилларининг янги ўқув йилидаги илк сабоғи мазкур майдонда ўтказилиши улар қалбида миллий ғурур ва соғлом дунёқарашни шакллантириш, уларни ўз мустақил фикрига эга бўлишга, иродаси мустаҳкам, фидойи ва ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Мустақиллик майдонидан тонгдан шомгача зиёратчилар қадами узилмайди. Улар орасида мактаб ўқувчилари, талабалар, нуроний отахону онахонлар, хорижлик сайёҳлар, турли касбдаги, турли соҳадаги одамларни учратиш мумкин.

— Мустақиллик майдони ва унда Президент Ислом Каримов ташаббуси билан бунёд этилган Мустақиллик ва эзгулик монументи ўзининг улуғворлиги, кўрку салобати билан давлатимизнинг улкан куч-қудрати ва салоҳиятини ифодалаб турибди, — дейди Тошкент шаҳри Юнусобод туманидаги 70-мактабнинг ўқитувчиси Ҳолида Қурбонова. — Бу обида халқимизнинг ғурур-ифтихорини юксалтиришга хизмат қилади. Айни чоғда Монумент мамлакатимизнинг тинчликсевар сиёсатини, халқимизнинг бунёдкорлик ва фаровонлик йўлидаги эзгу интилишларини, юртимиздаги тинчлик, барқарорлик, буюк келажагимизга қатъий ишончимизни акс эттирган ноёб мажмуадир. Унинг Ватанимиз, халқимиз ҳаётида тутган ўрни ва аҳамиятини ёш авлод онги ва қалбига сингдириш баркамол авлод тарбиясида ғоятда муҳим аҳамиятга эгадир.

Мустақиллик майдони Янги йил байрами арафасида янада кўркам ва файзли қиёфа касб этди. Бу ерда қад ростлаган улкан арча каттаю кичикка бирдек завқ улашмоқда. Турфа безаклар, камалакранг чироқлар, эртак қаҳрамонлари, театрлашган мусиқий дастурлар майдонда ўтказилаётган Янги йил шодиёналарига ўзгача шукуҳ бахш этмоқда. Майдонни болажонларимизнинг шўх-шодон овози тутган. Озод юртнинг бахтли болалари Бахтиёр она пойида Истиқлолимизнинг буюк неъматларидан баҳра олмоқдалар.

— Бу ерда ташкил этилган Янги йил байрами шодиёналарига келиб, майдон, ундаги Мустақиллик ва эзгулик монументининг улуғворлигини кўргач, кўнглимиздаги фахр ва ҳаяжонларимиз янада тўлқинланди, — дейди Тошкент радиотехника касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Отабек Эргашев. — Бундай обод ва кўркам масканлар биз, ёшларни Истиқлолимизнинг мазмун-моҳиятини теранроқ англашга, ўзимизга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликка жавобан Ватанимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшишга қодир, комил фарзандлар бўлиб етишишга ундайди.

Ҳа, Истиқлолимиз — Буюк китобимизнинг илк саҳифаси — Мустақиллик майдони, Мустақиллик ва эзгулик монументи ҳурриятдан, эзгуликдан сўйлайди, хайрли амалларнинг рамзи янглиғ одамларни мудом яхшиликка чорлайди.

Кунлар, ойлар ўтади, фасллар такрор-такрор алмашинади. Ҳаёт бўстонининг навниҳоллари бўлмиш — фарзандларимиз — келажак авлодларимиз узоқ асрлар бу обида пойида Ватан дарсини оладилар, ифтихорга, ғурурга тўлиб, юрт тарихини ўрганадилар, Ватанни англайдилар.

Уларнинг руҳида эзгу ва нурли туйғулар куртак ёзади.

**Олим ТЎРАҚУЛОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси**

# ТАШАББУСКОРЛИК — ЮТУҚЛАР ГАРОВИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

3 июлда Олий Мажлис палаталари кенгашларининг "Нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қўшма қарори асосида Олий Мажлис ҳузурида Жамоат фонди ва ушбу Фонд маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси тузилди. Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси томонидан уюштирилган мазкур форум ҳам Жамоат фонди томонидан молиялаштирилган илк лойиҳалардан саналади.

Форумда халқимиз турмушида нодавлат нотижорат ташкилотларининг роли тобора юксалаётгани, айниқса, улар мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига дахлдор масала ва муаммоларни ҳал этишда фаол иш олиб бораётгани таъкидланди.

Тадбир иштирокчилари, шунингдек, "2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили"да қишлоқ ёшларининг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоялаш, уларнинг истеъдод ва иқтидорларини рўёбга чиқаришга доир ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

**Қ. ХИДИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# МОЛИЯВИЙ ҲИМОЯ ВА ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

***Президентимизнинг "Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги Фармони жаҳон молия-иқтисодий инқирози даврида мамлакатимиз иқтисодиёти барқарорлигини таъминлаш, унинг босқичма-босқич ривожланиб боришига шароит яратиш кафолатини беради.***

Халқаро валюта жамғармасининг маълумотига кўра, кейинги ўн икки йил ичида жаҳон ялпи ички маҳсулоти 42 фоизга ўсган. Бу сўнгги 60 йилдаги энг яхши кўрсаткич ҳисобланади. Айтиш лозимки, бу ўсиш ўзининг ижобий натижаларини бериб келаётир. Мисол учун, иқтисодий салоҳиятга эришиш навбати Хитой, Ҳиндистон ва бошқа бир қатор ривожланаётган давлатларга кўчиб ўта бошлади.

Айни пайтда жаҳон бозорида энергия ташиш хизмати ва бошқа хом ашё товарларининг нархи кескин ошиб кетди. Натижада жаҳон ялпи ички маҳсулотининг катта қисмини ишлаб чиқарадиган мамлакатлар молия-иқтисодий инқироз тўфонига учради. Бора-бора мазкур инқирознинг глобаллашуви оқибатида ривожланаётган мамлакатлар ҳам бу тўфондан четда қолмади.

**Мушоҳада**

Ана шундай мураккаб вазиятда мамлакатимиз иқтисодиётининг изчиллик билан ўсиб бораётганлиги узоқни кўзлаб амалга оширилаётган иқтисодий сиёсатнинг самарасидир, десак сира муболаға бўлмайди. Мамлакатимиз Президентининг ушбу Фармони барқарорликни таъминлаш йўлидаги саъй-ҳаракатлардан яна бири бўлди, десак тўғри бўлади.

Мазкур ҳужжат реал сектор корхоналарининг барқарор ривожланишини таъминлаш, аҳоли бандлигига кўмаклашиш, инсон ва унинг фаровонлигини янада оширишга хизмат қилиши билан ҳам аҳамиятлидир. Маълумки, мамлакатимизнинг стратегик мақсадларидан бири — бозор иқтисодиёти шароитида ўрта мулкдорлар қатламини мустаҳкамлаш, уларни кутилмаган ҳолатлардан ишончли ва кафолатли ҳимоялашдан иборат.

Қолаверса, бу Фармон иқтисодиёт тармоқларида модернизация, техник ва технологик қайта жиҳозлашни тезлаштириш, сифатли, экспортга йўналтирилган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлайдиган замонавий минитехнологияларни татбиқ этиш орқали мамлакатни тайёр маҳсулот ва товарлар ишлаб чиқарадиган индустриал давлатлар қаторига олиб чиқиш мақсадини ўзида мужассам этган.

Мазкур ҳужжат энергия ва электр сарфини тежаш, соҳада интизомни кучайтириш, бошқарувнинг халқаро андозаларига ўтиш, мослашувчан нарх-наво сиёсатини қўллаш, экспорт механизмларини ўзгариб турадиган бозор талабларига жавоб берадиган тарзда шакллантиришдек ўта муҳим масалаларни ҳам қамраб олади.

Шунингдек, унда иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари давлат томонидан молиявий ҳимояланиши кўрсатилган. Бошқача айтганда, мазкур корхоналарнинг айланма маблағини тўлдириш ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун бериладиган кредит Марказий банк ва тижорат банклари томонидан ажратилади. Бу эса ўз вақтида мазкур секторга тааллуқли корхоналарнинг барқарор фаолият кўрсатишини ҳамда уларнинг иқтисодий салоҳияти ўсиб боришини таъминлайди.

Айтиш мумкинки, Фармон ижросини таъминлаш орқали мамлакат иқтисодиётини жаҳон молия-иқтисодий инқирозининг салбий таъсирларидан ҳимоя қилиш имкони туғилади. Бундан ташқари, мамлакат иқтисодий салоҳиятининг босқичма-босқич ривожланиб бориши учун шарт-шароит яратади ҳамда халқ фаровонлигини оширишнинг ҳуқуқий кафолати сифатида ўз самарасини беради.

**Мунира ҚОРИЕВА,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати.**

## *ЎЗБЕКИСТОН — ХИТОЙ:*

# ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН МУСТАҲКАМ АСОС МАВЖУД

(Давоми. Боши 1-бетда).

муносабатда бўлиб, ўзаро ишонч руҳидаги алоқалар кўламини кенгайтириш ва янада мустаҳкамлашга ҳаракат қилмоқда. Бу, фикримизча, кўплаб соҳалардаги ҳамкорликни янада кенгайтиришнинг энг яхши асосидир.

Суҳбатимиз Янги йил байрами арафасида бўлиб ўтаётган экан, 2008 йилда эришган натижаларимиз ва келгуси йилга белгиланган режаларимиз хусусида икки оғиз айтиб ўтмоқчи эдим.

Фикримизча, ўтаётган йилдаги энг диққатга сазовор натижа — мамлакатларимиз раҳбарлари ўртасидаги ўзаро ишонч руҳидаги муносабатлар янада ривожлангани бўлди. Президент Ислом Каримов Пекинда бўлиб ўтган Олимпиада ўйинларининг очилиш маросимида иштирок этгани бу фикрнинг яққол далили бўла олади. Ташриф давомида Ўзбекистон Президентининг Хитой Раиси Ху Цзиньтао билан алоҳида учрашуви бўлиб ўтди ва унда мамлакатларимиз раҳбарлари икки томонлама ҳамкорлик ва халқаро сиёсатга алоқадор бўлган долзарб масалаларни муҳокама қилибгина қолмай, балки икки давлат муносабатларини турли соҳаларда ривожлантиришнинг устувор йўналишларини ҳам белгилаб беришди.

Ўтаётган йилдаги яна бир муҳим ютуғимиз — мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро савдо айланмаси ҳажми 50 фоизга ошганидир. Ўйлашимизча, агар ҳамкорлигимиз ана шундай суръатда ривожланаверса, раҳбарларимизнинг Пекин учрашуви чоғида қўйилган вазифани, яъни 2010 йилга қадар икки томонлама савдо айланмаси ҳажмини бир ярим миллиард долларга етказишни муддатидан олдин бажарамиз.

Айни пайтда биз Хитойнинг етакчи фирма ва компаниялари билан кенг қамровли иш олиб бормоқдамиз. Бундан мақсад — Ўзбекистон иқтисодиётига киритилаётган инвестициялар ҳажмини ошириш.

Ҳамкорлигимизнинг устувор йўналишларидан яна бири — бу туризм соҳасидаги алоқалар кўламини кенгайтириш. Ўйлашимизча, Ўзбекистон хитойлик сайёҳлар орасида анчайин оммабоп масканга айланиши мумкин бўлиб, биз ўзбекистонлик ҳамкорлар билан бу борадаги муносабатларни ривожлантиришга тайёрмиз.

Келажакдаги режалар хусусида гапириб, ҳамкорлигимиз истиқболлари ёрқин эканини мамнуният билан қайд этиш жоиз. Зеро, бунинг учун бизда мустаҳкам асос яратилган. Мамлакатларимиз раҳбарлари ва халқлари ўртасидаги ўзаро ишонч, ҳурмат ва қизиқиш — келажакка ёрқин умидлар билан боқиш учун асос бўла олади.

Фурсатдан фойдаланиб, дўст Ўзбекистон халқини кириб келаётган 2009 йил билан табриклайман. Барчага сиҳат-саломатлик, бахт ва омад тилаб қоламан!

**Бобур СОБИРОВ**
**ёзиб олди.**
**«Жаҳон» АА.**



# ЭКСПОРТ ҲАЖМИ ОШАДИ

Президентимиз бошчилигида барча соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар ўз самарасини бермоқда. Жумладан, жойларда ташкил этилган замонавий корхоналар иқтисодиётни ривожлантириш билан бирга, аҳоли фаровонлигини оширишга ҳам хизмат қилаётир.

Марғилондаги "ORSHAH EV TEXTILE" масъулияти чекланган жамиятида бугун 145 нафар маҳаллий ёш меҳнат қилмоқда. Улар томонидан илғор технологиялар асосида тайёрланаётган тикувчилик маҳсулотлари сифатлилиги боис хорижлик харидорларга ҳам маъқул келаяпти. Ҳозир асосан Россия ва Европа давлатларидан буюртмалар қабул қилинаяпти. Мутасаддилар талабнинг юқорилигини инобатга олиб, яқин келажакда экспорт ҳажмини янада ошириш чораларини кўришмоқда.

**СУРАТДА: корхона фаолиятидан лавҳа.**

**Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат.**

# МЕҲНАТ ҚИЛГАН ҚАДР ТОПАЯПТИ

***Деҳқончилик йил — ўн икки ой меҳнатни талаб қилади. Шу боис озгина эътиборсизлик ҳосил чўғига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Қолаверса, гоҳида табиат инжиқликлари, сув етишмаслиги каби ҳолатлар ҳам ишни ташкил қилишда ўзига хос қийинчилик туғдирадики, аслида ушбу соҳанинг мураккаб жиҳатлари ҳам ана шунда.***

**Дил сўзи**

Ерни экишга тайёрлашдан тортиб, токи ҳосилни йиғиб олишгача бўлган жараёнда деҳқонларга техника хизмати жуда зарур. Юртбошимизнинг эътиборлари билан қишлоқ хўжалиги соҳасини зарур техника ва эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш масаласининг ижобий ҳал этилгани юқори натижаларни қўлга киритишда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётир. Фермерларимиз топган даромадлари ҳисобидан турли русумдаги тракторлар, минитехнологиялар сотиб олиб, иқтисодиётни мустаҳкамлашмоқда. Ҳали имконияти етарли бўлмаганлари эса исталган банкка мурожаат қилишаяпти. Бажонидил кредит бериляпти. Шунингдек, лизинг асосида ҳам техникаларига эга бўлишмоқда.

Бундан ташқари, жойларда ташкил этилган машина-трактор парклари ҳам фермерларга мададкор. Мен айнан механизаторлик касбини танлаганимдан, мана шундай жойда меҳнат қилиб, деҳқонларнинг оғирини енгил қилишга нафим тегаётганидан фахрланаман. Ҳар гал улардан раҳмат эшитганимда эса кучимга куч, ғайратимга ғайрат қўшилади.

Бугун ким меҳнат қилса, албатта, қадр топаяпти. Ўзимдан қиёс: бир пайтлар биз каби оддий механизатор эътибордан четда эди. Эндичи? Қаранг, бу йил Юртбошимиз Фармонига кўра, "Шуҳрат" медали билан тақдирландим. Ўшанда қандай ҳаяжонланган бўлсам, ҳозир ҳам шундай ҳаяжондаман. Мукофотланганимни эшитган таниш-билишлар, ёру биродарлар "Кўрдингми, ишлаган одам албатта юзага чиқади", дея табриклашди. Буларнинг барчаси учун Президентимизга чексиз миннатдорчилик билдираман.

Бундан кейин ҳам ҳалол меҳнатим билан деҳқонларимизга кўмакдош бўлиб, элимиз фаровонлиги, дастурхонимиз тўкинлиги йўлида ўз ҳиссамни қўшиш ниятидаман.

**Комил РАҲИМОВ,**
**Қўшкўпир туманидаги М. Раҳимов номли МТП механизатори, «Шуҳрат» медали соҳиби.**

Қирқиш чизиғи — — — — — — — — Қирқиш чизиғи — — — — — — — —

Қонунчилик палатаси депутати этиб сайланган шахслар Марказий сайлов комиссиясига Қонунчилик палатаси депутатининг мақомига тўғри келмайдиган вазифаларни ўз зиммасидан соқит қилганлиги тўғрисида ёзма равишда маълум қилиши шарт.

Депутат этиб сайланган шахслар, шу жумладан Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган шахслар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган пайтдан эътиборан Қонунчилик палатаси депутати мақомига эга бўлади»;

24) **65-моддадаги** «сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг аъзолари» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 4 апрелда қабул қилинган **«Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»**ги 350–II-сонли Конституциявий Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 4–5, 60-модда) **5-моддасига** қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

**биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қонунчилик палатаси бир юз эллик депутатдан иборат»;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи** ва **учинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Қонунчилик палатасининг бир юз ўттиз беш депутати ҳудудий бир мандатли сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланади.

Қонунчилик палатасининг ўн беш депутати Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланади»;

**иккинчи** ва **учинчи қисмлари** тегишинча **тўртинчи** ва **бешинчи қисмлар** деб ҳисоблансин.

**5-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган **«Сиёсий партиялар тўғрисида»**ги 337–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 2, 36-модда; 1999 йил, № 9, 229-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда) **13[1]-моддасининг иккинчи** ва **учинчи қисмларидаги** «сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан» деган сўзлар «Ўзбекистон экологик ҳаракатидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**6-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил

10

Буклаш чизиғи

**иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ берилади. Оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш тартиби Марказий сайлов комиссияси томонидан сиёсий партиялар билан келишилган ҳолда белгиланади. Сайловчиларнинг йиғилишлари сиёсий партиялар томонидан мустақил равишда ўтказилади. Сайловчиларнинг йиғилишлари ўтказиладиган жой ва вақт, қоида тариқасида, участка сайлов комиссиялари билан келишиб олинади. Маҳаллий ҳокимият органлари ва жамоат бирлашмалари, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари депутатликка номзодларга йиғилишлар ўтказиш учун жиҳозланган хоналар ажратишлари, уларга сайловчилар билан учрашувлар ўтказишни ташкил этишда, зарур маълумот ва ахборот материалларини олишда ёрдам кўрсатишлари шарт. Йиғилишлар ва учрашувларнинг ўтказиладиган жойи ҳамда вақти ҳақида сайловчиларга олдиндан хабар қилинади»;

**учинчи қисмидаги иккинчи жумла** чиқариб ташлансин;

18) **28-модданинг биринчи қисмидаги** «беш» деган сўз «ўн» деган сўз билан алмаштирилсин;

19) **31-модданинг**:

**биринчи қисмидаги** «сайловчилар ташаббускор гуруҳи» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Сиёсий партия фаолиятининг тугатилганлиги депутатликка номзодни шу партиядан сайловда иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум этади»;

20) **35-модданинг биринчи қисмидаги** «ёки сайловчилар ташаббускор гуруҳи» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

21) **42-модданинг саккизинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **саккизинчи — ўнинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Сайлов участкасида овозларни санаб чиқишда депутатликка номзод кўрсатган сиёсий партиянинг ваколатли вакили иштирок этиши мумкин.

Овозларни санаб чиқиш натижалари участка сайлов комиссиясининг мажлисида кўриб чиқилади ва сайлов комиссиясининг раиси, раис ўринбосари, котиби, бошқа аъзолари томонидан имзоланадиган баённомада акс эттирилади. Шундан кейин баённома участка сайлов комиссиясининг раиси ёки раис ўринбосари томонидан ўқиб эшиттирилади ҳамда мазкур баённоманинг кўчирма нусхаси участка сайлов комиссияси биносида ҳамма танишиб чиқиши учун 48 соатдан кам бўлмаган муддатга осиб қўйилади. Участка сайлов комиссиясининг баённомаси тегишли округ сайлов комиссиясига белгиланган тартибда тақдим этилади.

7

Қирқиш чизиғи

Ўзбекистон Республикасининг

## ҚОНУНИ

### Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2008 йил 19 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2008 йил 4 декабрда маъқулланган

**1-модда.** Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган **Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 1, 4-модда; 1994 йил, № 1, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 3–4, 27-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 162-модда) **77-моддасининг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси қонунга мувофиқ сайланадиган бир юз эллик депутатдан иборат».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»**ги 414–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 1, 34-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 3, 38-модда; 1999 йил, № 9, 206-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **5-модданинг тўртинчи қисмидаги** «сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) **14-модда иккинчи қисмининг 4[1] ва 9-бандларидаги** тегишинча «сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг» ҳамда «сайловчилар ташаббускор гуруҳлари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2

Буклаш чизиғи

партиялар томонидан мустақил равишда ўтказилади. Сайловчиларнинг йиғилишлари ўтказиладиган жой ва вақт, қоида тариқасида, участка сайлов комиссиялари билан келишиб олинади. Маҳаллий ҳокимият органлари ва жамоат бирлашмалари, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари депутатликка номзодларга йиғилишлар ўтказиш учун жиҳозланган хоналар ажратишлари, уларга сайловчилар билан учрашувлар ўтказишни ташкил этишда, зарур маълумот ва ахборот материалларини олишда ёрдам кўрсатишлари шарт»;

**тўртинчи қисмидаги иккинчи жумла** чиқариб ташлансин;

13) **28-модданинг**:

**биринчи қисмидаги** «сайловчилар ташаббускор гуруҳлари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Сиёсий партия фаолиятининг тугатилганлиги депутатликка номзодни шу партиядан сайловда иштирок этиш ҳуқуқидан маҳрум этади»;

14) **32-модданинг биринчи қисмидаги** «ёхуд сайловчилар ташаббускор гуруҳи» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

15) **39-модданинг саккизинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **саккизинчи — ўнинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Сайлов участкасида овозларни санаб чиқишда депутатликка номзод кўрсатган сиёсий партиянинг ваколатли вакили иштирок этиши мумкин.

Овозларни санаб чиқиш натижалари участка сайлов комиссиясининг мажлисида кўриб чиқилади ва сайлов комиссиясининг раиси, раис ўринбосари, котиби, бошқа аъзолари томонидан имзоланадиган баённомада акс эттирилади. Шундан кейин баённома участка сайлов комиссиясининг раиси ёки раис ўринбосари томонидан ўқиб эшиттирилади ҳамда мазкур баённоманинг кўчирма нусхаси участка сайлов комиссияси биносида ҳамма танишиб чиқиши учун 48 соатдан кам бўлмаган муддатга осиб қўйилади. Участка сайлов комиссиясининг баённомаси тегишли округ сайлов комиссиясига белгиланган тартибда тақдим этилади.

Овозларни санаб чиқиш жараёнида иштирок этаётган сиёсий партиянинг ваколатли вакили участка сайлов комиссиясининг баённомаси билан танишиш ҳуқуқига эга»;

16) **49-моддадаги** «сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг аъзолари» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**12-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 2 декабрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси**

15

участкасида овозларни санаб чиқишда иштирок этиш учун Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланадиган тартибда ўз аъзолари орасидан ваколатли вакил тайинлашга ҳақли»;

5) **18-модда** қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Шикоят берган шахслар шикоят кўриб чиқилишида бевосита иштирок этиш ҳуқуқига эга»;

6) **20-модданинг**:

**биринчи қисмидаги** «бевосита фуқаролар» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**иккинчи қисмидаги** «шунингдек, бевосита фуқаролар» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**учинчи қисмидаги** «олти ой» деган сўзлар «тўрт ой» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **21-модда биринчи қисмининг учинчи хатбошисидаги** «олти ой» деган сўзлар «тўрт ой» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) **$22^1$-модда** чиқариб ташлансин;

9) **$22^2$-модда**:

**биринчи қисмининг**:

**биринчи хатбошисидаги** «сайловчилар ташаббускор гуруҳининг ваколатли вакили» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**иккинчи** ва **учинчи хатбошиларидаги** «сайловчилар ташаббускор гуруҳи йиғилишининг» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**тўртинчи қисмидаги** «ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг ваколатли вакилларига» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

10) **23-модда биринчи қисмининг иккинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«содир этган оғир ёки ўта оғир жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёхуд судланганлиги олиб ташланмаган фуқаролар»;

11) **24-модданинг**:

**биринчи қисмидаги** «сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**тўртинчи қисмидаги** «ёхуд сайловчилар ташаббускор гуруҳини» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

12) **25-модданинг**:

**иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ берилади. Оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш тартиби тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси томонидан сиёсий партиялар билан келишилган ҳолда белгиланади. Сайловчиларнинг йиғилишлари сиёсий



Буклаш чизиғи

3) **16-модданинг 4-бандидаги** «сайловчилар ташаббускор гуруҳлари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

4) **24-модданинг**:

**биринчи қисмидаги** «ва бевосита фуқаролар» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**учинчи қисми** чиқариб ташлансин;

5) **$24^1$-модданинг**:

**номидаги** «сайловчилар ташаббускор гуруҳлари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**иккинчи** ва **учинчи қисмлари** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан алмаштирилсин:

«Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ҳужжатлар тақдим этилгач, Марказий сайлов комиссияси сиёсий партиянинг ваколатли вакилига ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана қайд этилган маълумотномани беради. Марказий сайлов комиссияси тақдим этилган ҳужжатлар асосида беш кунлик муддат ичида сиёсий партиянинг сайловда иштирок этишига ижозат бериш тўғрисида узил-кесил қарор қабул қилади ҳамда сиёсий партиянинг ваколатли вакилига рўйхатга олинганлик гувоҳномасини ва белгиланган намунадаги имзо варақаларининг бланкаларини беради. Сайловда иштирок этувчи партияларнинг рўйхати аризалар келиб тушиш навбатига қараб марказий матбуотда эълон қилинади»;

6) **$24^2$-модданинг**:

**иккинчи қисмидаги** «сайловчилар ташаббускор гуруҳи йиғилиши томонидан» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**учинчи қисмидаги** «сайловчилар ташаббускор гуруҳи» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**тўртинчи қисмидаги** «сайловчилар ташаббускор гуруҳи эса Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни, башарти мазкур номзод у ёки бу сиёсий партияга мансуб бўлмаса, кўрсатишга ҳақлидир. Номзод фақат битта сайловчилар ташаббускор гуруҳидан ўз номзоди овозга қўйилишига розилик бериши мумкин» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**бешинчи қисмининг**:

**биринчи хатбошисидаги** «сайловчилар ташаббускор гуруҳининг ваколатли вакили» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**иккинчи хатбошисидаги** «сайловчилар ташаббускор гуруҳининг» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**учинчи хатбошисидаги** «сайловчилар ташаббускор гуруҳи йиғилишининг» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**бешинчи хатбошисидаги тўртинчи** ва **бешинчи жумлалар** чиқариб ташлансин;

**олтинчи қисмидаги** «сайловчилар ташаббускор



Қирқиш чизиғи

11) **22-модданинг учинчи қисмидаги** «бир юз йигирма» деган сўзлар «бир юз ўттиз беш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

12) **23-модда** чиқариб ташлансин;

13) **$23^1$-модданинг**:

**номидаги** «сайлов комиссиялари» деган сўзлар «Марказий сайлов комиссияси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**биринчи қисмидаги** «сайловчилар ташаббускор гуруҳлари тақдим этган имзо варақалари тўғри тўлдирилганлиги эса округ сайлов комиссияси томонидан» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Марказий сайлов комиссияси имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текшириш учун ички ишлар органларининг, адлия органларининг, шунингдек аҳолини ҳисобга олиш билан шуғулланувчи муассасаларнинг мутахассисларини жалб этиши мумкин. Уларнинг хулосалари Марказий сайлов комиссияси имзо варақаларидаги имзоларни сохталаштирилган деб топиши учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин»;

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари имзо варақаларининг тўғри тўлдирилганлигини Марказий сайлов комиссияси томонидан текширилиши жараёнида иштирок этиш ҳуқуқига эга»;

14) **24-модда**:

**биринчи қисмининг**:

**биринчи хатбошисидаги** «сайловчилар ташаббускор гуруҳининг ваколатли вакили» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**иккинчи** ва **учинчи хатбошиларидаги** «сайловчилар ташаббускор гуруҳи йиғилишининг» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**тўртинчи қисмидаги** «ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг ваколатли вакилларига» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

15) **25-модданинг иккинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«содир этган оғир ёки ўта оғир жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёхуд судланганлиги олиб ташланмаган фуқаролар»;

16) **26-модданинг**:

**биринчи қисмидаги** «сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**тўртинчи қисмидаги** «ёки сайловчилар ташаббускор гуруҳини» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

17) **27-модданинг**:



Буклаш чизиғи

30 апрелда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»**ги 613–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5–6, 95-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 206-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда; 2004 йил, № 9, 171-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **4-модданинг иккинчи қисмидаги** «ёки сайловчилар ташаббускор гуруҳининг аъзоси» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) **5-модданинг**:

**учинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Президентлигига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига сайловлар юзасидан сайлов кампанияси бошланганлигини эълон қилади»;

**ўн иккинчи хатбошисидаги** «сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**ўн тўртинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Президентлигига ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан тегишли ҳужжатларни қабул қилиб олади»;

**ўн тўққизинчи хатбошисидаги** «ва унга қарши» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**7-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»**ги 434–II-сонли Конституциявий Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 12, 215-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда, № 7, 326-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **2-модданинг биринчи** ва **иккинчи қисмлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қонунчилик палатаси (қуйи палата) бир юз эллик депутатдан иборат. Қонунчилик палатасининг бир юз ўттиз беш депутати ҳудудий бир мандатли сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланади.

Қонунчилик палатасининг ўн беш депутати Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланади»;

2) **23-модданинг учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:



Қирқиш чизиғи

ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Давлат бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва ташкилотлар, шу жумладан жамоат бирлашмалари қарорларига биноан қутқарув хизматлари ва профессионал қутқарув тузилмаларининг қутқарувчиларини, шунингдек бу хизматлар ва тузилмаларнинг таркибига кирмайдиган қутқарувчиларни ижтимоий муҳофаза қилишнинг ушбу Қонунга зид бўлмаган қўшимча кафолатлари белгиланиши мумкин.

**5-боб. Якунловчи қоидалар**

**28-модда. Низоларни ҳал этиш**

Қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларининг ташкил этилиши, фаолияти ва тугатилиши соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

**29-модда. Қутқарув хизмати ва қутқарувчи мақоми тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Қутқарув хизмати ва қутқарувчи мақоми тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

**30-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқарув органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**31-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши**

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2008 йил 26 декабрь
№ ЎРҚ — 195





Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

# Қутқарув хизмати ва қутқарувчи мақоми тўғрисида

**«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари 2008 йил**

Қирқиш чизиғи

**14-модда. Қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларини бошқа жойга кўчириш, қайта ихтисослаштириш, қайта ташкил этиш ёки тугатиш**

Қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларини бошқа жойга кўчириш, қайта ихтисослаштириш, қайта ташкил этиш ёки тугатиш учун улар хизмат кўрсатаётган ташкилотлар фаолиятининг тугатилганлиги ёхуд мазкур хизматлар ва тузилмалар томонидан олди олиниши ҳамда бартараф этилиши мўлжалланган фавқулодда вазиятларнинг рўй бериши хавфи йўқотилганлиги асос бўлади.

Қутқарув хизматлари ва профессионал қутқарув тузилмаларини, шунингдек ташкил этилиши шартлиги қонун ҳужжатларида назарда тутилган штатдан ташқари қутқарув тузилмаларини бошқа жойга кўчириш, қайта ихтисослаштириш, қайта ташкил этиш ёки тугатиш уларни ташкил этган мансабдор шахслар, органлар ёхуд ташкилотларнинг қарорига биноан амалга оширилади.

Қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмалари бошқа жойга кўчирилган, қайта ихтисослаштирилган, қайта ташкил этилган ёки тугатилган тақдирда, фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича махсус ваколатли давлат бошқарув органига ёзма билдириш юборилиши керак.

**15-модда. Қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмалари фаолиятини молиялаштириш**

Қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмалари фаолиятини молиялаштириш қуйидагилар ҳисобидан амалга оширилади:

республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар маблағлари;

қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларига эга бўлган ташкилотларнинг молиявий маблағлари;

аҳоли ва ташкилотларга кўрсатиладиган хизматлардан олинадиган даромадлар;

фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун белгиланган тартибда ташкил этилган молиявий маблағлар захиралари;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа манбалар.

**3-боб. Қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларининг фавқулодда вазиятларни бартараф этишдаги иштироки**

**16-модда. Қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларини фавқулодда вазиятларни бартараф этишга жалб қилиш**

Қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларини фавқулодда вазиятларни бартараф этишга жалб қилиш:



хизмат кўрсатилаётган объектлар ва ҳудудларда фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этишга доир ҳаракатлар режасига мувофиқ;

фавқулодда вазиятлар рўй берган ва уларнинг кўлами кенгая бошлаган тақдирда белгиланган тартибда;

мазкур қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмалари фаолиятига раҳбарлик қилаётган ёки бунинг учун қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатларга эга бўлган давлат бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ташкилотлар, шу жумладан жамоат бирлашмалари мансабдор шахсларининг қарорига биноан амалга оширилади.

Қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларини фавқулодда вазиятларни бартараф этишга давлат бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ташкилотлар, шу жумладан жамоат бирлашмаларининг шунга ваколатли мансабдор шахслари қарорига биноан жалб қилиш билан бирга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган объектлар ва ҳудудларнинг фавқулодда вазиятлардан ҳимояланганлик даражасини таъминлайдиган чора-тадбирлар кўрилиши шарт.

Қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларини фавқулодда вазиятларни бартараф этишга жалб қилиш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

Қутқарув хизматлари ва профессионал қутқарув тузилмаларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқаридаги фавқулодда вазиятларни бартараф этишга жалб қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига биноан амалга оширилади.

**17-модда. Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ишларига раҳбарлик қилиш**

Фавқулодда вазиятларни бартараф этишга жалб қилинган барча кучлар ва воситаларга раҳбарлик қилиш ҳамда уларнинг ҳамкорликда ҳаракат қилишини ташкил этиш фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ишларининг раҳбарлари томонидан амалга оширилади.

Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ишлари раҳбарининг ваколатлари:

трансчегаравий ва республика миқёсидаги фавқулодда вазиятларда — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан;

маҳаллий миқёсдаги фавқулодда вазиятларда — маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан;

локал фавқулодда вазиятларда — давлат бошқарув органлари, ташкилотлар томонидан белгиланади.

Фавқулодда вазиятлар зонасига биринчи бўлиб етиб келган қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларининг раҳбарлари фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ишлари раҳбарларининг ваколатларини ўз зиммаларига олади ҳамда бу



Қирқиш чизиғи

**24-модда. Қутқарувчиларнинг иш вақти (хизматни ўташ) режими**

Қутқарув хизматлари ва профессионал қутқарув тузилмаларининг меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишловчилар жумласидан бўлган қутқарувчиларининг иш вақти режими кундалик фаолиятда ички меҳнат тартиби қоидалари, навбатчилик жадваллари, махсус тайёргарлик бўйича машғулотлар ёки бошқа тадбирлар жадваллари билан белгиланади.

Қутқарув хизматлари ва профессионал қутқарув тузилмаларининг ҳарбий хизматчилар жумласидан бўлган қутқарувчиларининг хизматни ўташ режими белгиланган тартибда ўрнатилади.

Қутқарув хизматлари ва профессионал қутқарув тузилмаларининг тоифаланган объектларга хизмат кўрсатувчи қутқарувчиларининг иш вақти (хизматни ўташ) режими белгиланган тартибда ўрнатилади.

Қутқарув хизматлари ва профессионал қутқарув тузилмалари қутқарувчиларининг фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ишларига чиқишни кутиш ва унга шай бўлиб туриш режимида уйда навбатчилик қиладиган вақти навбатчиликнинг ҳар бир соати учун чорак соат ҳисобида инобатга олинади.

Қутқарув хизматлари ва профессионал қутқарув тузилмалари қутқарувчиларининг фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ишларини олиб бориш чоғидаги иш вақти (хизматни ўташ) режими ва иш сменасининг давомийлиги фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ишлари раҳбарлари томонидан фавқулодда вазиятларнинг хусусияти, уларни бартараф этиш юзасидан олиб борилаётган ишларнинг ўзига хос хусусиятлари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолатлар ҳисобга олинган ҳолда белгиланади.

Қутқарув хизматлари ва профессионал қутқарув тузилмаларининг қутқарувчиларига ҳар йили ўттиз иш кунидан иборат ҳақ тўланадиган таътил берилади.

Ноқулай ва ўзига хос бўлган меҳнат шароитларида ишлаганлик учун қутқарув хизматлари ва профессионал қутқарув тузилмаларининг қутқарувчиларига қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳар йили ҳақ тўланадиган қўшимча таътил берилади.

**25-модда. Қутқарувчиларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш**

Қутқарув хизматлари ва профессионал қутқарув тузилмаларининг меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишловчилар жумласидан бўлган қутқарувчилари меҳнатига ҳақ тўлаш меҳнат шартномаси (контракт) шартларига мувофиқ белгиланади.

Қутқарув хизматлари ва профессионал қутқарув тузилмаларининг ҳарбий хизматчилар жумласидан бўлган қутқарув-



берган зоналарнинг кенгайишига йўл қўймасликка ҳамда хавфли омиллар таъсирини тугатишга қаратилган қутқарув ишлари ва кечиктириб бўлмайдиган ишлар комплекси;

**фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш** – олдиндан ўтказиладиган ҳамда фавқулодда вазиятлар рўй бериши хавфини имкон қадар камайтиришга, бундай вазиятлар рўй берган тақдирда эса, одамларнинг ҳаётини асраб қолиш ва соғлиғини сақлашга, атроф табиий муҳитга етказиладиган зарар ва моддий талафотлар миқдорини камайтиришга қаратилган тадбирлар комплекси;

**қутқарувчи** — муайян дастур бўйича қутқарув ишларига тайёрланган ва белгиланган тартибда аттестациядан ўтган Ўзбекистон Республикаси фуқароси;

**қутқарув воситалари** — қутқарув ишларини олиб бориш учун мўлжалланган техник, илмий-техник ва интеллектуал маҳсулот, шу жумладан махсус алоқа ва бошқарув воситалари, техника, асбоб-ускуналар, аслаҳа-анжомлар, мол-мулк, қутқарув ишларини бажариш технологиясига доир услубий материаллар, видеоматериаллар, фотоматериаллар, электрон ҳужжатлар, шунингдек электрон-ҳисоблаш машиналари учун дастурий маҳсулотлар ва маълумотлар базалари, бошқа воситалар;

**қутқарув ишлари** — фавқулодда вазиятлар зонасида одамларнинг ҳаётини асраб қолиш ва соғлиғини сақлаш, юридик ҳамда жисмоний шахсларнинг мол-мулкини, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ва уларга хос бўлган хавфли омиллар таъсирини йўқотиш ёки имкон қадар камайтиришга қаратилган ҳаракатлар;

**қутқарув тузилмаси** — фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш ишларини олиб бориш учун мўлжалланган, асосини махсус техника, асбоб-ускуналар, аслаҳа-анжомлар ва бошқа қутқарув воситалари билан таъминланган қутқарувчилар бўлинмалари ташкил этган мустақил тузилма ёки қутқарув хизмати таркибига кирувчи тузилма;

**қутқарув хизмати** — фаолияти бўйича ягона тизимга бирлаштирилган, асосини профессионал қутқарув тузилмалари ташкил этган, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этишга доир вазифаларни ҳал қилиш учун мўлжалланган бошқарув органлари, кучлар ва воситалар мажмуи.

**4-модда. Қутқарув хизматлари, қутқарув тузилмалари ва қутқарувчилар фаолиятининг асосий принциплари**

Қутқарув хизматлари, қутқарув тузилмалари ва қутқарувчилар фаолиятининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

қонунийлик;

инсонпарварлик ва меҳр-мурувват;

фавқулодда вазиятлар рўй берганда одамларнинг ҳаётини асраб қолиш ва соғлиғини сақлаш, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш вазифаларининг устуворлиги;

фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ишларини олиб



лумотли, тиббий текширувда қутқарувчилик ишига яроқли деб топилган ҳамда касбий, жисмоний тайёргарлиги даражасига ва маънавий-руҳий фазилатларига кўра белгиланган талабларга мос келадиган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари қабул қилинади.

Ўн саккиз ёшга тўлган, қутқарувчиларни тайёрлаш дастури бўйича таълим олган ҳамда фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш ишларини олиб бориш учун белгиланган тартибда аттестациядан ўтган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига қутқарув хизматлари ва профессионал қутқарув тузилмаларида қутқарувчи вазифаларини бажаришга рухсат берилади.

**10-модда. Қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларини аттестациядан ўтказиш**

Қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибда аттестациядан ўтказилиши керак.

Аттестациядан ўтмаган ёки текширувлар давомида фавқулодда вазиятларда тезкор ҳаракат қилишга ҳамда уларни бартараф этиш ишларини ўтказишга шайлигини тасдиқлай олмаган қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларининг объектлар ва ҳудудларга шартнома асосида хизмат кўрсатишига йўл қўйилмайди ҳамда улар қутқарув ишларини олиб боришга жалб этилмайди.

**11-модда. Қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларини ҳисобга олиш рўйхатидан ўтказиш**

Қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмалари ҳисобга олиш рўйхатидан ўтказилиши керак.

Қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларини ҳисобга олиш рўйхатидан ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

**12-модда. Қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларининг фаолияти**

Қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмалари ўз фаолиятида ушбу Қонунга ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

Қутқарув хизматларининг, профессионал қутқарув тузилмаларининг раҳбарлари томонидан ўз ваколатлари доирасида қабул қилинадиган қарорлар шу хизматлар ва тузилмаларнинг барча ходимлари, шунингдек фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ишларини олиб боришга жалб этилган штатдан ташқари қутқарув тузилмалари ва жамоат қутқарув тузилмаларининг ходимлари бажариши учун мажбурийдир.

Қутқарув хизматлари ва профессионал қутқарув тузилма-



Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ишларининг раҳбарлари, қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмалари раҳбарлари фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ишларини ташкил қилиш учун фавқулодда вазиятлар тўғрисида зарур бўлган тўлиқ ва ишончли ахборот олиш ҳуқуқига эга.

Қутқарув ишларини тўлиқ ҳажмда олиб боришнинг технологик жиҳатдан имкони бўлмаган тақдирда, фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ишларининг раҳбарлари, биринчи навбатда, фавқулодда вазиятлар зоналаридаги одамларни қутқариш бўйича имкони бўлган барча чораларни кўргач, қутқарув ишларини тўлиқ ёки қисман тўхтатиб туриш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

**18-модда. Қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларига ўз фаолиятини амалга оширишида кўмаклашиш**

Давлат бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда ташкилотлар қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларига фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ишларини бажаришда ёрдам кўрсатиши, шу жумладан кейинчалик ўрни белгиланган тартибда қопланиши шарти билан уларга зарур транспорт ва моддий воситаларни тақдим этиши шарт.

Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ишларини ўтказиш жойига бораётганда қутқарув хизматлари ва профессионал қутқарув тузилмаларининг тезкор транспорти монеликсиз ўтиш ҳамда аэродромлар, автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчалари ва дарё портларида ёнилғи-мойлаш материаллари билан биринчи навбатда таъминланиш, шунингдек техник хизмат кўрсатиш станциялари ва устахоналарида техника ҳамда аслаҳа-анжомлар, алоқа воситаларининг биринчи навбатда таъмирланиши ҳуқуқидан фойдаланади.

**4-боб. Қутқарувчилар ва уларнинг мақоми**

**19-модда. Қутқарувчилар**

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тиббий текширувдан ўтганидан, жисмоний тайёргарлик бўйича нормативларни бажарганидан, қутқарувчиларни тайёрлаш дастури бўйича ўқувдан кейин аттестация натижалари асосида ваколатли аттестация органининг қарорига биноан қутқарувчи мақомига эга бўлади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларига қутқарувчи мақоми берилганлиги тўғрисида қарор қабул қилинганидан кейин ваколатли аттестация органи уларга белгиланган намунадаги гувоҳнома, рухсатнома, қутқарувчи дафтарчаси, қутқарувчининг рўйхатдан ўтказилганлик рақами ёзилган нишон беради.

**20-модда. Қутқарувчилар аттестацияси**

Қутқарувчилар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар



## «Пахтакор» ўринбосарлари «Коппа карневале»да қатнашади

***Маълумки, Италиянинг Виареджио шаҳрида ҳар йили футбол бўйича «Коппа Карневале» турнири анъанавий ўтказиб келинади.***




Ушбу мусобақани ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад турли мамлакатлардан ташриф буюрган ёш истеъдодларни кўрикдан ўтказиш, уларнинг тажриба алмашишларига имкон яратишдир. 2009 йилги турнир 9-23 февраль кунлари бўлиб ўтади.

Мазкур турнирда «Пахтакор» жамоаси ўринбосарлари тўртинчи бор юртимиз шарафини ҳимоя қилишади. Мусобақада Италиянинг "Интер", "Милан", "Рома" ва "Ювентус" ҳамда Европа ва Жанубий Американинг пешқадам клублари ўринбосар-футболчилари қатнашадилар.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ.**



Ўзбекистон Республикаси Президенти девони жамоаси масъул ходим Ғ. Мирзаевга отаси

**Абдурайим ота МИРЗАЕВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси партия Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси А. С. Турсуновга акаси

**Баҳром ТУРСУНОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси И. Мўминов номидаги фалсафа ва ҳуқуқ институти жамоаси етакчи илмий ходим, фалсафа фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний номидаги Ўзбекистон давлат мукофоти лауреати

**Омонулла Файзуллаевич ФАЙЗУЛЛАЕВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

«Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Қонунчилик палатаси таркибига сайланган депутатлар депутатлар гуруҳларини тузишга ҳақли»;

3) **$25^{1}$-модданинг иккинчи** ва **учинчи қисмларидаги** «сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан» деган сўзлар «Ўзбекистон экологик ҳаракатидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**8-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»**ги 522–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9–10, 136-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда, № 7, 326-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **4-модданинг**:

**тўртинчи қисмидаги** «сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан» деган сўзлар «Ўзбекистон экологик ҳаракатидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**олтинчи қисмидаги** «сиёсий партиялар ёки сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) **9-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Қонунчилик палатаси таркибига сайланган депутатлар депутатлар гуруҳларини тузишга ҳақли»;

3) **$9^{1}$-модданинг иккинчи** ва **учинчи қисмларидаги** «сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан» деган сўзлар «Ўзбекистон экологик ҳаракатидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **22-модданинг биринчи** ва **тўртинчи қисмларидаги** «сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан» деган сўзлар «Ўзбекистон экологик ҳаракатидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**9-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 апрелда қабул қилинган **«Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»**ги ЎРҚ–88-сонли Конституциявий Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 161-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **2-модданинг учинчи** ва **тўртинчи қисмлари-**



этилсин:

«Қонунчилик палатасининг бир юз ўттиз беш депутати фуқаролар томонидан бевосита сайланади»;

3) **6-модданинг**:

**тўртинчи — олтинчи қисмларидаги** тегишинча «сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан», «сайловчилар ташаббускор гуруҳлари», «сайловчилар ташаббускор гуруҳидан» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**еттинчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги** «депутатликка номзодлар кўрсатишга бағишланган йиғилишларда» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

4) **7-модданинг биринчи қисмидаги** «бир юз йигирмата» деган сўзлар «бир юз ўттиз бешта» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **11-модданинг 6-бандидаги** «сайловчилар ташаббускор гуруҳлари-нинг» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

6) **13-модданинг 5** ва **6-бандлари** чиқариб ташлансин;

7) қуйидаги мазмундаги **$17^{1}$-модда** билан тўлдирилсин:

**«$17^{1}$-модда. Сиёсий партиянинг ваколатли вакили**

Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партия сайлов участкасида овозларни санаб чиқишда иштирок этиш учун Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланадиган тартибда ўз аъзолари орасидан ваколатли вакил тайинлашга ҳақли»;

8) **18-модда** қуйидаги мазмундаги **жумла** билан тўлдирилсин:

«Шикоят берган шахслар шикоят кўриб чиқилишида бевосита иштирок этиш ҳуқуқига эга»;

9) **20-модданинг**:

**биринчи қисмидаги** «ва бевосита фуқаролар» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**иккинчи қисмидаги** «олти ой» деган сўзлар «тўрт ой» деган сўзлар билан алмаштирилсин, «камида эллик минг» деган сўзлар эса «камида қирқ минг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**тўртинчи қисмидаги** «эллик минг» деган сўзлар «қирқ минг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**бешинчи қисмидаги** «ёки сайловчилар ташаббускор гуруҳидан кўрсатилган депутатликка номзодни рўйхатга олишни» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

10) **21-модда биринчи қисмининг учинчи хатбошисидаги** «олти ой» деган сўзлар «тўрт ой» деган сўзлар билан алмаштирилсин;



гуруҳи уларнинг» деган сўзлар «ўзининг» деган сўз билан алмаштирилсин;

**саккизинчи қисмидаги** «сайловчилар ташаббускор гуруҳининг ваколатли вакили» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**ўнинчи қисмидаги** «сайловчилар ташаббускор гуруҳининг» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**ўн учинчи қисмидаги** «сайловчилар ташаббускор гуруҳидан улар кўрсатган номзодни» деган сўзлар «у кўрсатган номзодни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**ўн тўртинчи қисмидаги** «сайловчилар ташаббускор гуруҳининг ваколатли вакилига» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

7) **25-модданинг тўртинчи қисмидаги** «ёки сайловчилар ташаббускор гуруҳини» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

8) **26-модданинг биринчи қисмидаги** «сайловчилар ташаббускор гуруҳи» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

9) **28-модданинг**:

**иккинчи қисмидаги** «сайловчилар ташаббускор гуруҳларига» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**тўртинчи қисмидаги иккинчи жумла** чиқариб ташлансин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»**ги 990–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган 518–II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9–10, 132-модда; 2004 йил, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **1-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси (қуйи палата) (бундан буён матнда Қонунчилик палатаси деб юритилади) беш йил муддатга сайланадиган бир юз эллик депутатдан иборат.

Қонунчилик палатасининг бир юз ўттиз беш депутати ҳудудий бир мандатли сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланади.

Қонунчилик палатасининг ўн беш депутати Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланади»;

2) **4-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён



**даги** «сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан» деган сўзлар «Ўзбекистон экологик ҳаракатидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **4-модданинг биринчи** ва **учинчи қисмларидаги** «сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан» деган сўзлар «Ўзбекистон экологик ҳаракатидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**10-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»**ги 818–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган 524–II-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9–10, 138-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда) **4-моддасининг иккинчи** ва **тўртинчи қисмларидаги** «сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан» деган сўзлар «Ўзбекистон экологик ҳаракатидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**11-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 майда қабул қилинган **«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»**ги 1050–XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 5, 125-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 3, 38-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 206-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда; 2003 йил, № 9–10, 134-модда; 2004 йил, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **6-модданинг**:

**тўртинчи қисмидаги** «сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**бешинчи қисмидаги** «сайловчилар ташаббускор гуруҳлари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**олтинчи қисмидаги** «сайловчилар ташаббускор гуруҳидан» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) **11-модданинг 5-бандидаги** «сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

3) **13-модданинг $1^{1}$** ва **$1^{2}$-бандлари** чиқариб ташлансин;

4) қуйидаги мазмундаги **$17^{1}$-модда** билан тўлдирилсин:

**«$17^{1}$-модда. Сиёсий партиянинг ваколатли вакили**

Депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партия сайлов



Қирқиш чизиғи

ваколатларни фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича ҳаракатлар режаларида белгиланган ёки фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича махсус ваколатли давлат бошқарув органи, бошқа давлат бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва ташкилотлар томонидан тайинланган фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ишлари раҳбарлари етиб келгунига қадар бажаради.

Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ишлари раҳбарларининг фавқулодда вазиятларни бартараф этишга қаратилган қарорлари, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, фавқулодда вазиятлар зоналаридаги барча юридик ва жисмоний шахслар учун мажбурийдир.

Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ишлари раҳбарларининг фаолиятига уларни вазифаларини бажаришдан белгиланган тартибда четлаштирмасдан ва раҳбарликни ўз зиммасига олмасдан ёки бошқа мансабдор шахсни тайинламасдан туриб аралашишга ҳеч ким ҳақли эмас.

Одамларнинг ҳаёти ва соғлиғига бевосита таҳдид бўлганда фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ишларининг раҳбарлари мустақил равишда қуйидаги қарорларни қабул қилишга ҳақлидир:

эвакуация тадбирларини ўтказиш тўғрисида;

фавқулодда вазиятлар зоналаридаги объектларда ва ҳудудларда қутқарув ишларини олиб бориш тўғрисида;

фавқулодда вазиятлар зоналарига киришни чеклаш тўғрисида;

фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун фавқулодда вазиятлар зоналаридаги ташкилотларнинг моддий ресурсларидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фойдаланиш тўғрисида;

штатдан ташқари қутқарув тузилмалари ва жамоат қутқарув тузилмаларини, шунингдек қутқарув ишлари олиб боришга бўлган ҳуқуқларини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлган тақдирда, мазкур тузилмалар таркибига кирмаган қутқарувчиларни фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ишларини олиб боришга жалб қилиш тўғрисида;

қутқарувчи бўлмаган айрим фуқароларни кечиктириб бўлмайдиган қутқарув ишларини олиб боришга ихтиёрийлик асосида жалб қилиш тўғрисида;

фавқулодда вазиятлар кўламининг кенгайиб бориши ва уларни бартараф этиш ишларининг бориши тақозо этган бошқа зарур чораларни кўриш тўғрисида.

Одамларнинг ҳаёти ва соғлиғига бевосита таҳдид бўлган тақдирда, фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ишларининг раҳбарлари ўзлари қабул қилган қарорлар ҳақида тегишли давлат бошқарув органларини, маҳаллий давлат ҳокимияти органларини, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини, ташкилотларни дарҳол хабардор қилиш юзасидан барча чораларни кўриши шарт.



лари объектлар ҳамда ҳудудларга хизмат кўрсатиш бўйича ўз фаолиятини шартнома асосида амалга ошириши мумкин.

Фавқулодда вазиятлар таҳдиди бўлганда ва улар рўй берганда ҳамда уларнинг оқибатларини бартараф этиш чоғида қутқарув хизматлари ва профессионал қутқарув тузилмаларида жамоага доир меҳнат низоларини ҳал этиш воситаси сифатида қутқарув ишларини тугатишга йўл қўйилмайди.

Штатдан ташқари қутқарув тузилмалари ташкил этилган ташкилотларнинг раҳбарлари қутқарувчиларни қутқарув ишлари олиб боришнинг махсус кўникмаларига ўргатиш бўйича мунтазам машғулотлар уюштиради ҳамда уларни махсус аслаҳа-анжомлар билан таъминлайди.

Қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларининг фавқулодда вазиятларда тезкор ҳаракатлар қилишга ҳамда фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ишларини олиб боришга шайлиги учун давлат бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва ташкилотларнинг, шу жумладан жамоат бирлашмаларининг раҳбарлари масъулдир.

Қутқарув хизматлари ва профессионал қутқарув тузилмаларининг тезкор транспорти махсус товуш ва ёритиш сигнал асбоблари билан таъминланган, шунингдек белгиланган намунадаги рангларга бўялган бўлиши шарт.

**13-модда. Қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларининг фаолиятини мувофиқлаштириш**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларининг фаолиятини мувофиқлаштириш фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича махсус ваколатли давлат бошқарув органи томонидан қуйидаги мақсадларда амалга оширилади:

фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун зарур бўлган кучлар ва воситаларни тезкор жалб этиш;

қутқарув воситаларини ишлаб чиқариш ҳамда қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларини моддий-техника жиҳатидан таъминлаш соҳасида ягона давлат сиёсатини олиб бориш;

фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш ишларини олиб боришда иштирок этувчи қутқарувчиларни, қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларининг мансабдор шахсларини тайёрлаш масалаларини ҳал этиш;

тегишли ҳудудларда фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ишларини олиб боришда қутқарув хизматлари, қутқарув тузилмалари ва бошқа кучлар ўртасида ҳамкорликни таъминлаш;

қутқарув хизмати ва қутқарувчи мақоми тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмалари фаолиятининг норматив-ҳуқуқий базасини бир хиллаштириш.



Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

# Қутқарув хизмати ва қутқарувчи мақоми тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2008 йил 23 сентябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2008 йил 4 декабрда маъқулланган

**1-боб. Умумий қоидалар**

**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларининг ташкил этилиши, фаолияти ва тугатилиши соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

**2-модда. Қутқарув хизмати ва қутқарувчи мақоми тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Қутқарув хизмати ва қутқарувчи мақоми тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг қутқарув хизмати ва қутқарувчи мақоми тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**3-модда. Асосий тушунчалар**

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**фавқулодда вазият** – одамлар қурбон бўлишига, уларнинг соғлиғи ёки атроф табиий муҳитга зарар етишига, жиддий моддий талафотлар келтириб чиқаришга ҳамда одамларнинг ҳаёт фаолияти шароити издан чиқишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган авария, ҳалокат, хавфли табиий ҳодиса, табиий ёки бошқа офат натижасида муайян ҳудудда юзага келган ҳолат;

**фавқулодда вазиятларни бартараф этиш** — фавқулодда вазиятлар рўй берганда ўтказиладиган ҳамда одамларнинг ҳаётини асраб қолиш ва соғлиғини сақлашга, атроф табиий муҳитга етказиладиган зарар ва моддий талафотлар миқдорини камайтиришга, шунингдек фавқулодда вазиятлар рўй



чиларининг пул таъминоти белгиланган тартибда аниқланади.

Қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларининг таркибига кирмайдиган қутқарувчиларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш белгиланган тартибда фуқаролик-ҳуқуқий шартнома бўйича амалга оширилади.

Қутқарувчиларнинг якка муҳофазаланиш воситаларида ишлаганлиги ҳисобга олинади ва белгиланган тартибда ҳақ тўланади.

**26-модда. Қутқарувчиларни уй-жой билан таъминлаш**

Қутқарув хизматлари ва профессионал қутқарув тузилмаларининг қутқарувчиларига, шунингдек улар билан бирга яшовчи оила аъзоларига қонун ҳужжатларига мувофиқ идоравий уй-жой фонди ҳисобидан тураржойлар берилади.

**27-модда. Қутқарувчиларни ижтимоий муҳофаза қилиш чоралари**

Қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмалари қутқарувчиларининг ҳаёти ва соғлиғи мажбурий суғурта қилиниши керак. Қутқарувчиларнинг ҳаёти ва соғлиғини мажбурий суғурта қилиш тартиби ва шартлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Қутқарув хизматлари ва профессионал қутқарув тузилмаларининг меҳнат шартномаси (контракт) билан зиммаларига юклатилган вазифаларни бажариш чоғида жабрланган қутқарувчилари иш берувчиларнинг маблағлари ҳисобидан бепул тиббий хизмат кўрсатилиш ва санаторий-курортда даволаниш ҳуқуқига эга.

Қутқарув хизматлари, қутқарув тузилмалари қутқарувчиларининг ҳамда қутқарувчи бўлмаган фуқароларнинг фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ишларини бажариши муносабати билан соғлиғига зарар етказилган ёки улар вафот этган тақдирда, тегишинча шу шахсларга ёки вафот этган шахснинг оиласига зарарнинг ўрни қопланади ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва миқдорларда бир йўла бериладиган нафақа тўланади.

Қутқарув хизматлари ва профессионал қутқарув тузилмаларининг меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишловчилар жумласидан бўлган қутқарувчилари умумий белгиланган ёш ўн йилга камайтирилган ҳолда имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқига эга.

Касб касалликларининг олдини олиш мақсадида қутқарув хизматлари ва профессионал қутқарув тузилмаларининг қутқарувчиларига тегишли рацион ва нормалар бўйича даволаш-профилактика озиқ-овқати берилади.

Қутқарувчиларнинг меҳнатга қобилиятсиз оила аъзоларининг боқувчисини йўқотганлик учун пенсия таъминоти қонун



Қирқиш чизиғи

Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда аттестациядан ўтади.

**21-модда. Қутқарувчилар фаолиятининг кафолатлари**

Қутқарувчилар фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш ишлари олиб борилаётганда ушбу Қонунга ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади ҳамда мазкур ишлар қайси қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмалари таркибида олиб борилаётган бўлса, ўша қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларининг раҳбарларига бўйсунади.

Қутқарувчиларни фавқулодда вазиятлардан ташқари, уларнинг вазифаларига тааллуқли бўлмаган ишларни бажаришга жалб этишга ўзларининг розилигисиз йўл қўйилмайди.

**22-модда. Қутқарувчиларнинг ҳуқуқлари**

Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ишларига жалб қилинган қутқарувчилар мазкур ишлар олиб бориладиган жойга бораётганда барча турдаги транспортга навбатсиз чипта олиш ҳуқуқига эга.

Қутқарувчилар фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ишларини олиб бориш чоғида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

одамларнинг ҳаётини асраб қолиш ва соғлиғини сақлашга, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган зарур чоралар кўриш;

ўз вазифаларини бажариш учун зарур бўлган тўлиқ ва ишончли ахборот олиш;

фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ишларини олиб бориш учун ташкилотларнинг ҳудудига, бинолари, хоналарига ва ҳар қандай бошқа иморатларига, тураржойларга монеликсиз кириш;

чегара олди зонасига — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари қўмондонлигининг рухсати билан кириш;

режимли объектлар ҳудудига — ушбу объектлар раҳбарларининг рухсати билан кириш;

фавқулодда вазиятлар зоналаридаги барча шахслардан белгиланган хавфсизлик чораларига риоя этишни талаб қилиш;

фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ишларини олиб бориш технологиясига мувофиқ махсус аслаҳа-анжомлар билан таъминланиш;

одамларнинг ҳаётини асраб қолиш ва соғлиғини сақлаш учун ҳамда одамларнинг ҳаёти ва соғлиғига бевосита таҳдид бўлган тақдирда, фавқулодда вазиятлар зонасидаги ташкилотларнинг алоқа воситалари, транспорти, моддий ресурслари ва бошқа мол-мулкидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фойдаланиш.

Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ишларини олиб



асосларда ташкил этилиши мумкин:

доимий штат асосида — қутқарув хизматлари ва профессионал қутқарув тузилмалари;

штатсиз асосда — штатдан ташқари қутқарув тузилмалари.

Қутқарув хизматлари ва профессионал қутқарув тузилмалари:

республика миқёсида — Ўзбекистон Республикасининг Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан;

ҳудудлар миқёсида — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг қарорига биноан;

объектлар миқёсида — қонун ҳужжатларида назарда тутилган фаолиятни амалга ошириш учун ўз қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмалари бўлиши шартлиги назарда тутилган ташкилотларнинг қарорига биноан ташкил этилади.

Штатдан ташқари қутқарув тузилмалари ташкилотлар томонидан ўз ходимлари орасидан белгиланган тартибда ташкил этилади.

Жамоат қутқарув тузилмалари уставда белгиланган вазифаси фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ишларини олиб боришда иштирок этишдан иборат бўлган жамоат бирлашмалари томонидан жамоатчилик асосида ташкил этилади.

**8-модда. Қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларининг таркиби, тузилиши**

Қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларининг таркиби, тузилиши тегишинча Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, давлат бошқарув органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда ташкилотлар, шу жумладан жамоат бирлашмалари томонидан фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича ўз зиммаларига юклатилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

**9-модда. Қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмалари сафини тўлдириш**

Қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларининг сафини тўлдириш ихтиёрийлик асосида амалга оширилади. Давлат бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ташкилотлар, шу жумладан жамоат бирлашмалари қутқарувчи лавозимига қабул қилиш шартларини белгилайди.

Қутқарув хизматларига, профессионал қутқарув тузилмаларига қутқарувчи лавозимига, шунингдек қутқарувчиларни тайёрловчи таълим муассасаларида ўқишга умумий ўрта маъ-



боришда асосли таваккалчилик ва хавфсизликнинг таъминланиши;

қутқарув хизматлари, қутқарув тузилмалари ва қутқарувчиларга яккабошчилик асосида раҳбарлик қилиш;

фавқулодда вазиятларда тезкор ҳаракат қилишга ҳамда уларни бартараф этиш ишларини олиб боришга қутқарув хизматлари, қутқарув тузилмалари ва қутқарувчиларнинг доимий шайлиги.

**5-модда. Қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларининг асосий вазифалари**

Қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

ўз бошқарув органлари, кучлари ва қутқарув воситаларини фавқулодда вазиятларда тезкор ҳаракат қилишга ҳамда уларни бартараф этиш ишларини олиб боришга доимий шай ҳолатда сақлаб туриш;

фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича ҳаракатлар режаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;

одамларнинг ҳаётини асраб қолиш ва соғлиғини сақлаш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган ишларни амалга ошириш, шунингдек фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш;

фавқулодда вазиятлар шароитида юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкини ҳамда атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ишларини олиб бориш;

аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасидаги билимларни тарғиб қилиш, аҳолини ҳамда корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар (бундан буён матнда ташкилотлар деб юритилади) ходимларини фавқулодда вазиятлар шароитида ҳаракат қилишга тайёрлашда иштирок этиш.

**6-модда. Қутқарув ишларининг турлари**

Қутқарув ишларига авария-қутқарув, қидирув-қутқарув, тоғ-кон қутқарув, сув-қутқарув, газ-қутқарув ишлари, шунингдек ёнғинларни ўчириш ҳамда бошқа табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш билан боғлиқ ишлар киради.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган қутқарув ишларининг турлари қонун ҳужжатларига мувофиқ ўзгартирилиши мумкин.

**2-боб. Қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмалари**

**7-модда. Қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларини ташкил этиш**

Қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмалари қуйидаги



бориш чоғида юридик ёки жисмоний шахсларнинг мол-мулкига зарар етказилган тақдирда зарарнинг ўрнини қоплаш фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади, қутқарувчиларнинг айбли ҳаракатлари натижасида зарар етказилган ҳоллар бундан мустаснодир.

Қутқарувчилар фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ишларини олиб бориш даврида харажатларининг ҳақи қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларини таъминлашга ажратилган маблағлар ҳисобидан ёки хизмат кўрсатилаётган ташкилотлар маблағлари ҳисобидан тўланган ҳолда, белгиланган нормалар бўйича озиқ-овқат билан таъминланиш ҳамда жойлаштирилиш ҳуқуқига эга.

Қутқарув хизматлари ва профессионал қутқарув тузилмаларининг меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишловчилар жумласидан бўлган қутқарувчилари навбатчиликни ўташ чоғида иш берувчиларнинг ҳисобидан харажатлари ҳақи тўланган ҳолда озиқ-овқат билан таъминланиш ёки озиқ-овқатга қилган харажатларининг ўрни белгиланган нормалардан кам бўлмаган тарзда қопланиши ҳуқуқига эга.

Қутқарувчилар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

**23-модда. Қутқарувчиларнинг мажбуриятлари**

Қутқарувчилар:

фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ишларини олиб боришда иштирок этишга шай туриши;

ўз жисмоний, махсус, тиббий, руҳий тайёргарлигини ҳамда қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмалари таркибида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича ҳаракатлар қилиш кўникмаларини такомиллаштириб бориши;

фавқулодда вазиятларни бартараф этиш бўйича қутқарув ишларини олиб бориш технологиясига қатъий риоя этиши;

фавқулодда вазиятлар шароитида жабрланганларни қидириши, уларни қутқариш чораларини кўриши, уларга биринчи тиббий ёрдам ва бошқа турдаги ёрдам кўрсатиши;

фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ишларини олиб бориш чоғида, қутқарувчилар мазкур ишларни олиб боришда қайси қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларининг таркибида иштирок этаётган бўлса, ўша қутқарув хизматлари ва қутқарув тузилмаларининг раҳбарлари томонидан қабул қилинадиган қарорларни сўзсиз бажариши;

фавқулодда вазиятларга йўл қўймаслик мақсадида фуқароларга бехатар юриш-туриш қоидаларини ва фавқулодда вазиятлар рўй берган тақдирда бажариладиган ҳаракатлар тартибини тушунтириши шарт.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ қутқарувчилар зиммасида бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1156. 25237 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — З. Жонибеков.
Мусаҳҳиҳ — Ҳ. Тошхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.55 Топширилди — 22.10 8